

«Келинг, Қуръон ёдлаймиз»



14:04 / 30.05.2021 1319

«Келинг, Қуръон ёдлаймиз»

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Қуръони Каримни ёд олишни улуғ ибодат даражасига кўтарган, бунинг учун Ўзининг розилигини мукофот қилган Ҳақ субҳанаҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсин!

Қуръон ҳофизларию қориларининг саййиди бўлмиш Муҳаммад Мустафога салоту саломлар бўлсин!

Қуръони Каримнинг бизгача нозил бўлганидек етиб келишида хизмат қилган саҳобаи киромлар, тобеъинлар, табаъа тобеъинлар, қироат имомлари ва барча аҳли Қуръонга Аллоҳ таолонинг розилиги, раҳмати бўлсин!

Маълумки, халқимиз қадимдан Аллоҳ таолонинг Каломига муҳаббати беназир, Қуръон аҳлига мухлис, уни ўқиб-ўрганишга, ёд олишга иштиёқманд элдир. Бу азиз халқ Роббининг Каломига бўлган иймони, муҳаббат ва иштиёқи камоли баландлигидан ҳатто шўро даврида ҳам Қуръони Каримни кафтида чўғ тутгандек сақлаб, Қуръонни ўрганиш ва ўргатишни фидокорлик билан давом эттириб келди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинким, юртимиз мустақил бўлгандан буён турли илмий соҳалар қатори, Қуръон таълими ҳам тараққий этди. Халқимизда кун сайин Қуръони Каримга бўлган эътибор ошгандан ошиб бормоқда. Жумладан, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтининг алоҳида «Таҳфизул Қуръон» кафедраси мавжуд бўлиб, у Қуръон ҳофизларини тайёрлашга ихтисослашган.

Ўтган яқин йилларда юртимизда Қуръон илмлари, хусусан, тажвид борасида ҳам бир қанча асарлар нашр қилинди. Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси ҳар йили ўз тасарруфидаги билим юртлари ўртасида - Қуръон қироати мусобақалари ўтказиб келади. Мусобақаларда совриндор бўлган қориларимиз халқаро Қуръон кўрикларида муносиб қатнашиб келмоқдалар. Масжидларимиздаги қори домлаларнинг қироатлари, хусусан, Рамазон ойидаги хатмларнинг сифат ва салмоғи йил сайин ўсиб боряпти. Буларнинг барчаси ҳар қандай мусулмон кишини қувонтиради.

Бундай қуръонсевар халқнинг ушбу муқаддас Китобни ўқиб-ўрганишга, ёд олишга интилиши табиий. Бинобарин, уларнинг Қуръони Каримни ўқиб-ўрганиш, ёд олиш йўллариини ўрганишга, бу борада етарли даражада йўлланма ва тавсияларга эга бўлишга ҳам эҳтиёжлари баланд.

Камина ходимангиз ҳам Аллоҳ таолонинг инояти билан Каломуллоҳни ёд олиш бахтига эришганим, бу соҳада баъзи илмларни олишга муваффақ

бўлганим ва бир неча йилдан буён Хадижаи кубро номидаги хотин-қизлар ўрта махсус ўқув юртида муаллималик қилиб келаётганим боис бу борадаги вазиятдан хабарим бор. Кишиларимиз Қуръон илмлари, айниқса уни ёд олишга алоқадор саволлар билан жуда кўп мурожаат қилишади. «Қуръони Каримни ёдлашда нималарга эътибор бериш керак?», «Нима қилсам, зеҳним қучли бўлади?», «Қайси услубда ёдлаш осон?», «Ўхшаш оятларни адаштириб юбормаслик учун нима қилиш керак?» каби қатор саволлар ҳар қадамда учрайди.

«Муфассал тажвид» номли китоб нашрдан чиққанидан кейин камина ходимангизга ҳам бундай саволлар сезиларли даражада кўпайди. Қуръон ёдлаш услублари ва ўхшаш оятлар ҳақида яна бир китоб таълиф қилиш таклифи ҳам бўлди. Ушбуларни инobatга олган ҳолда, Аллоҳнинг ёрдами билан яна бир хайрли ишга қўл урдик.

Кўлингиздаги китобда қандай қилиб Қуръон ҳофизи бўлиш ҳақида сўз боради.

Китоб олти бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда Қуръон ҳақида, уни ёд олишнинг фазилатлари баён қилинади.

Иккинчи бобда Қуръони Каримга оид одоблар борасида сўз юритилса, учинчи бобда Қуръонни ёдлаш услублари, зеҳни ишга солиш, унутишдан сақланиш, такрорлаш каби мавзулар билан танишасиз.

Тўртинчи бобдан Қуръони Каримга оид баъзи қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

Бешинчи бобда эса Қуръонни ёд олиш ва хатм қилишни осонлаштирувчи айрим жадваллар тақдим қилинган.

Маълумки, Қуръони Каримда бир қанча муташобих (ўхшаш) оятлар бор. Кўпчилик қорилар ана шу ўхшаш оятларни ёддан тиловат қилганларида адаштириб ҳам қўядилар. Бундай ўхшаш оятларни яхши ўзлаштириш, уларнинг фарқларини билиб, бир-биридан ажратиб олиш алоҳида эътибор талаб қиладиган илм бўлгани учун сўнгги олтинчи бобни муташобих оятларга бағишладик. Бу мавзуни баён қилиш учун қадимги ва энг ишончли манбалардан иккитаси асос қилиб олинди. Улар шайх Абул Ҳасан Алий ибн Муҳаммад ибн Абдуссомад ибн Аттос Ҳамадонийнинг «Ҳидоятул муртаб» китоби ҳамда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Асбаҳонийнинг «Дурратут-танзил ва ғурратут-таъвил фил аятил муташобихати фи Китабиллаҳил Азиз» номли асаридир.

Рисола мустақил ўқувчилар ҳамда исломий билим юртлар талабалари учун мўлжалланган.

Қуръон ҳофизи бўлишга киришган ҳар бир киши учун ушбу китобдан фойдаланиш, ундаги тавсияларга амал қилиш улкан натижаларга сабаб бўлади, иншааллоҳ.

Аллоҳ таолодан ёлвориб сўраймизки, жонажон юртимизга Ислом оламига буюк Қуръон ҳофизларини қиёматга қадар тақдим қилиб бориш бахтини насиб этсин, қориларимиз сони ва сифати кун сайин ошиб бораверсин, бизларни Ўз Каломининг хизматига муваффақ айласин, саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси Ўзининг розилиги учун бўлсин!

Муаллиф: Одинахон Муҳаммад Юсуф

Нашриёт: «Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси

Сана: 2021 йил (2017)

Ҳажми: 416 бет

ISBN: 978-9943-7031-0-0

Ўлчами: 84×108 1/32

Муқоваси: Қаттиқ

МундарижаСўз боши

Биринчи боб. Энг улуғ фазилат

Иккинчи боб. Ҳофизи Қуръон - гўзал одоб соҳиби

Учинчи боб. Ҳофизи Қуръонга зарур маслаҳатлар

Тўртинчи боб. Қуръони Каримга оид зарур маълумотлар

Бешинчи боб. Режа жадваллари

Олтинчи боб. Муташобих (мувофиқ) оятлар

Муташобихнинг таърифи

«Ҳидаятул муртаб»

Алий ибн Муҳаммад ибн Абдуссамад ибн Аттос Ҳамадоний

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Асбаҳоний

Қуръони Каримдаги муташобих оятлар

Хотима

Фойдаланилган адабиётлар